



АДАБИЙ ҚАХРАМОН – ИНСОННИНГ АДАБИЁТДАГИ ОБРАЗИ

Абдулла УЛУФОВ

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети профессори,
филология фанлари номзоди
ulugovabdulla05121960@gmail.com

Аннотация: Адабий қаҳрамон адабиётшуносликдаги муҳим муаммолардан биридир. “Адабий қаҳрамон” деганды эса биринчи навбатда, бадиий асарлардаги инсон образи назарда тутилади. Бадиий асарларда кишилар образи ҳаёт воқеалари жараёнида, хаёл тасаввурдаги олам ичидә күрсатылади. Улар феъл-автори, хатти-харакатига кўра бир-биридан ажралиб туради. Шеърий, насрый ва драма турига мансуб асарлардаги кишилар образи ўзига хос хусусиятлари билан эътиборни тортади.

Мазкур мақолада бадиий асарларда инсон образи қандай акс эттирилиши тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Калим сўзлар: бадиий асар, инсон, қаҳрамон, персонаж, характер, ижтимоий ҳаёт, муаллиф мақсади, асар мавзуси, асар гояси, наср, шеър.

Инсон оламдаги жамики нарсаларнинг энг афзали, борлиқдаги барча мавжудотларнинг устуни қилиб яратилган. Шунинг учун муқаддас «Қуръон»нинг «Ал-исро» сураси 70-оятида: «Дарҳакиқат, Биз одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру-баҳрда – қуруқлик ва денгизда (от, улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзорлардан афзал-устун қилиб қўйдик»¹ дейилади. Жаҳон адабиётининг мумтоз намуналарида ҳам парвардигор бутун борлиқни инсон учун бунёд этгани, унинг коинотни йўқдан бор қилишдан мақсади инсон бўлгани мадҳ этилади. Алишер Навоий «Ҳайрат ул аброр» достонининг «Аввалги муножот» бобида:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,

Лек боридин ғараз инсон эди²

дейди. Айни асарнинг «Сўз таърифи» фаслида эса:

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз

Сўз била ҳайвондин анга имтиёз³

¹ Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Т.: «Чўлпон», 1992. –469 б. –195-бет.

² Navoiy A. Hayrat ul-abror. –T.: G’afur G’ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. –392 b. –19-bet.

³ Ўша манба. 45-бет.





дэя эътироф этади.

Фалсафада ҳам инсон ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категория эканлиги таъкидланиб, у тана, руҳият ва маънавиятнинг йифиндиси эканлиги уқтирилади ҳамда инсоннинг хистуиғулари, кайфият, кечинмаси унинг руҳияти билан боғлиқлиги, жамиятдаги мавжуд шарт-шароит, тартиблар асосида шаклланган қобилият, малака, одат, кўникумлари йифиндиси эса унинг маънавияти эканлиги қайд этилади⁴. Барча табиий ва ижтимоий фанларда инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ масалалар ўрганилиб, уларни тажрибадан ўтказиш, таҳлил қилиш асосида инсон вужуди, руҳияти ва маънавиятининг муайян жиҳатлари хусусида хулосалар чиқарилади. Узоқ кузатишлар натижасида эришилган бу хулосалар эса кишиларнинг ўзини англаши, турмушини яхшилашига, албатта, таъсир кўрсатади.

Дунёning барча муаммолари бевосита инсонга дахлдор бўлгани боис, адабиётда ҳам азалдан ҳаётнинг ҳамма масалалари инсонга боғлиқ ҳолда гавдалантирилади. Ҳомер ва Фирдавсий достонларида, Эсхил ва Шекспир трагедияларида, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий «ҳамса»ларида, Фёдор Достоевский, Лев Толстой, Оноре де Бальзак, Рабинранат Тҳакур каби адиларнинг романларида, Ги де Мопассан, Антон Чехов, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида турли замон ва маконда яшаган ҳар хил феъл-атворли кишилар ҳаёти, уларнинг кайфият, кечинмалари ҳақида сўз юритилади. Эзоп, Крилов, Гулханий масаллари эса инсон эмас, турли ҳайвонлар, паррандалар тўғрисида бўлса-да, аслида уларда ҳам одамлар назарда тутилади. Шу боисдан ҳам Абдурауф Фитрат: «Адабиётнинг мавзуъи бутун табиат, борлиқ дунёси, инсоннинг ўз ички-ташқи дунёсида сезиб онглағанларидир»¹. Достон, роман, ғазалларда одамлар ҳаёти ва уларнинг ўй-кечинмалари ҳақида бевосита, масал сингари асарларда эса бавосита фикр юритилади. Яъни уларда жонзотлар, ўсимликлар, турли маъданлар, нарса-буюмлар худди одамлар сингари гапиритирилади, ҳаракат қилдирилади. Уларнинг бир-бири билан алоқа, муносабати одамларнинг ҳаёт тарзига монанд кўрсатилади. Чунки инсон адабиётнинг асосий тасвир обьекти саналади. Адабиёт санъатнинг бошқа

⁴ Фалсафа: комусий лугат. –Т.: «Шарқ», 2004. –496 б. –165–166-бетлар.

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. Ж. IV. Дарслик, ўкув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. –Т.: «Маънавият», 2006. –336 б. –13-бет.





турларидан айни шу жиҳати – инсонни асосий бosh мавзу қилиб олганлиги билан ажралиб туради. Кишиларнинг моддий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласиган меъморий иншоотлар, тарихий обидалар, уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари, жанг аслаҳалари ҳам ўз шакли, безак, нақшлари билан санъат асари ҳисобланади. Рассом томонидан чизилган тоғ, денгиз, дарё, юлдузли осмон манзарасида ҳам, қоялар устида бир сават оқ гул каби очилиб турган наъматак таърифланган шеърларда ҳам муайян гўзаллик акс эттирилади. Шу боисдан турли мевалар, ҳар хил манзарали дов-дараҳатлар, ўт-ўланлар – табиат манзараси гавдалантирилган рангтасвир асарлари қўзга яққол ташланиб турадиган жойларга осиб қўйилади. Рассом, ҳайкалтарош, меъмор яратган айrim асарларда инсон қиёфасининг «қўринмаслиги» уларнинг санъат асари саналишига монелик қилмайди. Чунки инсон тасвирланмаган айни хилдаги асарлар ҳам кишиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиб, уларга руҳий-маънавий куч баҳш этади. Меъморий иншоотлар, тасвирий санъат асарлари ҳам кишиларнинг манфаати учун мўлжалланади ва уларнинг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қиласи. Рассом одамларнинг юз-кўзи, қоматини, ҳайкалтарош кишиларнинг ташқи қиёфасини гавдалантиради ва одамнинг муайян бир кўриниши – унинг ташқи жиҳати ҳақида тасаввур беради. Одам-инсон эса ғоят мураккаб мавжудот. Унинг ташқи қиёфасидан кўра, ички олами мухимроқ аҳамиятга эга. Чунки дунёning барча муаммолари инсоннинг ички оламида акс этади. Унинг ҳаётдаги жамики ўзгаришлар бевосита ички оламига боғлиқ ҳолда кечади.

Одам-инсон ким? У қандай пайдо бўлган? Инсон нима учун яратилган? Унинг мақсади нима? Инсон ўзини қандай тутиши, қандай яшashi, нимага интилиши керак? Бу каби саволлар азал-азалдан мутафаккир, ижодкорларни ўйлантирган. Шу боисдан ушбу муаммолар санъат ва барча ижтимоий фанларнинг асосий мавзуси бўлиб келган. Инсоннинг ҳаётдаги мақсади ва вазифалари ҳақида мушоҳада юритиш инсоният тарихидаги барча динларнинг ҳам мазмун-моҳиятини белгилаган.

Инсон ўзида коинотдаги барча жонли ва жонсиз нарсаларга хос сифат, хусусиятларни мужассам этади. Шунинг учун у турли оламларни ўзига бирлаштирувчи мўъжаз макон саналади. Алишер Навоий «Махбуб ул кулуб» асарида инсонни олий мавжудот сифатида таърифлар экан, «Одамий шарифул





кавнайдир», яъни «Одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф мавжудотидир»¹ дейди. Шарқ ва Ғарб адабиётининг бошқа улуғ намояндалари ҳам инсонни Тангри таолонинг чексиз қудрати, сиру асрори акс этадиган тилсим, деб таъкидлашади. Улар одамни катта оламнинг кичрайтирилган нусхаси, илохий оламнинг ажралмас бўлаги сифатида улуғлашади. «Бизнинг қалбимиз, –дейди ҳинд адиби Рабинранат Тҳакур, –Коинотдан тухфалар олиб туради. Бу коинот қавм-қариндошларимизнинг каттакон хонадонидай бир нарса»². Асарлари жаҳон адабиётида алоҳида ўрин тутадиган ирландиялик машхур ёзувчи Жеймс Жойс эса: «Тангри Одам Ато ва Момо Ҳавони яратди... Қудратда тенгсиз парвардигори олам ўз илки-имкониятида неки бўлса, барчасини уларга муҳайё қилган эди...» дейди³. Аммо шундай бекиёс руҳий қудрат, чексиз ақл-заковат соҳиби бўлган инсон ҳайратомуз мўъжиза эканлиги баробарида, беҳад тубанлашиб кетадиган жонзот. Инсон ўзининг илохий-руҳий қудрати туфайли юксакликка ҳам кўтарилади, ҳайвоний ҳирсу нафс домига тушганида, ўзини хароб ҳам этади. Адабиётда азал-азалдан инсон табиатининг ана шу сир-синоати хусусида сўз юритилади. Инсоннинг жумбоқ, тилсим эканлиги аввало ҳар бир одамнинг феълатвори вазият, шароит билан боғлиқ тарзда ўзгаришидан келиб чиқади. Инсоннинг руҳияти, кайфиятига теварак-атрофидаги барча нарса-ҳодисалар таъсир кўрсатади. Шу боисдан у ҳис-туйғулариға берилади: бир зумда хурсанд бўлиб, қувончга тўлса, тўсатдан хафа бўлиб, қайғуга ботади. Шунинг учун Фёдор Достоевский: «Инсон – тилсим. Уни англаш, тушуниш керак. Умринг бўйи инсонни англаш, тушунишга интилар экансан, ҳеч қачон «вақтим беҳуда кетди» дема. Мен шу тилсимни англаш, тушуниш билан шуғулланаман. Чунки мен инсон бўлишни истайман» дейди⁴.

«Коинот гултожи», «оламнинг кичрайтирилган нусхаси» сифатида таърифланадиган «инсон», «одам», «киши» арабча сўз бўлиб, улар қўйидагicha изоҳланади: «Инсон – одам. 1. Одамзод, башар. 2. Ҳар бир якка шахс; одам. 3. Кимсага (одатда, салбий муносабатли) мурожаат шакли»¹. «Одам – Одамато,

¹ Навоий А. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 14-том. –Т.: “Фан”, 1998. –304 б. –113-бет.

² Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 8-том. –Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. –360 б. –297-бет.

³ Жойс Ж. Навқирон санъаткорнинг сийрати. – «Жаҳон адабиёти» журнали, 2007 йил, 3-сон. 3–98-бетлар. –79-бет.

⁴ Достоевский Ф.М. Возвращение человека. –М.: «Советская Россия», 1989. –560 с. –с. 7.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –672 б. –231-бет.





инсон. 1. Фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, шу туфайли бошқа ҳамма маҳлукотдан устун турувчи жонли зот; киши, инсон. 2. Кишилик жамиятининг айрим бир аъзоси, шахс»². «Киши» сўзи қуидагича тавсифланади: 1. Фикрлаш, сўзлаш ҳамда ижтимоий меҳнат жараёнида қурол ясаш ва ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлган жонли мавжудот, одам, инсон. 2. Инсониятга мансуб зот, шахс, одам. 3. Умуман, балоғат ёшидан ўтган шахс. 4. Ўзга, бегона шахс, бирор. 5. Шариатга биноан, балоғатга етган хотин-қизлар юзини, ўзини кўрсатмаслиги керак бўлган бегона эркак. 6. Таъкид ифодалайди³.

Драма турига мансуб асар (драма, трагедия, комедия)лар қаҳрамонлари «қатнашчилар», «иштирок этувчилар» дейилиб, уларнинг исми, ёши, мансаби, ўзаро алоқадорлиги билдирилади. Спектакль, фильмларда қаҳрамонлар номи ва роль ижрочилари маълум қилинади. Эртак, афсона, ривоят, достон, роман, хикоя, қиссада нақл қилинаётган воқеаларда, албатта, одамлар иштирок этади ва улар «қаҳрамон» деб юритилади. Адабиётнинг асосий обьекти одам-инсон бўлгани боис адабиёт тўғрисидаги ҳар қандай баҳс-мунозара марказида ҳам «қаҳрамон», яъни одам-инсоннинг тимсоли туради. Санъатнинг аксарият турларининг, хусусан, сўз санъатининг барча муаммолари бевосита шу тимсол-рамзга боғланади. «Қаҳрамон» адабиётшуносликда энг фаол қўлланадиган термин саналади. Адабиётшуносликнинг барча илмий-назарий муаммолари «қаҳрамон»ни таҳлил қилиш ва шу асосда инсон дунёсини англаш, идрок этишга қаратилади. Бадиий асар саҳифаларидағи одам-инсон тимсоли «адабий қаҳрамон», «идеал қаҳрамон», «ижобий қаҳрамон», «салбий қаҳрамон», «замонавий қаҳрамон», «лирик қаҳрамон» сингари атамалар билан юритилади. Бу бадиий асарда инсон-одам рамзининг қайси жиҳатлари намоён бўлишига кўра белгиланади. Масалан, газал, рубоий, туюқ, сонет таҳлил қилинганда «лирик қаҳрамон» атамаси қўлланади. Роман, қисса, драма асарлари ҳақида сўз юритилганда «адабий қаҳрамон», «замонавий қаҳрамон», «тарихий шахс», «тарихий қаҳрамон» атамалари ишлатилади.

Инсоннинг адабиёт ва санъатдаги ўзига хос рамзи – «қаҳрамон» сўзи форс-тожикча бўлиб, қуидагича изоҳланади: 1.Шиҷоати, довюраклиги, ботирлиги

² Ўша манба. Ж. III. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006 –688 б. –83-бет.

³ Ўша манба. Ж. II. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –672 б. –379–380-бетлар.





билан шухрат қозонган, жонбозлик, мардлик қилиб, ўзини кўрсатган киши. 2. Бадий асарнинг бош иштирокчиси бўлишига сабаб бўлган ёки унда асосий роль ўтказган шахс. 3. Умуман, бирор воқеа-ҳодиса ва шу кабиларнинг содир бўлишига сабаб бўлган ёки унда асосий роль ўйнаган шахс»¹. «Қаҳрамон – бадий асарнинг бош иштирокчиси» дейилиши учалик тўғри эмас. Чунки бадий асаддаги нафақат асосий, яъни «бош иштирокчи», балки ёндош ёки бир кўриниб «саҳна»дан тушиб кетадиган эпизодик персонажлар ҳам «қаҳрамон» саналади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Отабек, Кумуш, Ҳомид, Мирзакарим қутидор ҳам, номи асарнинг бир-икки ўрнида тилга олинган Тўйбека ёки Жаннат, қовоқ девона ҳам қаҳрамондир. Аммо улар воқеалардаги иштироки, сюжет «майдон»ида тутган ўрнига кўра, бир-биридан фарқ қиласди.

Адабий асар қаҳрамони «персонаж» деб ҳам юритилади. «Персонаж» деганда асарнинг асосий қаҳрамонлари ҳам, ундаги бошқа иштирокчилар ҳам назарда тутилади. «Персонаж» лотинча «persona» сўз бўлиб, «шахс», «сиймо» (рус тилида «лицо») деган маънони билдиради². Қадимда турли майдон томошаларида актёрлар юзига киядиган никоб «персона» дейилган. Кейинчалик айни сўз бадий асаддаги одамлар образига нисбатан қўлланила бошлаган³.

Адабиётшуносликка оид айрим манбаларда бадий асада иштирок этувчи барча қатнашчилар: асосий қаҳрамон ҳам, иккинчи даражали қаҳрамонлар ҳам, характер, тип даражасидаги қаҳрамонлар ҳам «персонаж» эканлиги қайд қилинади⁴. Баъзи манбаларда эса «персонаж» асарнинг иккинчи даражали иштирокчилари, сюжет воқеалари ривожида жиддий ўрин тутмайдиган, фаол иштирок этмайдиган қатнашчилардир, дейилади⁵.

Бадий асаддаги «қаҳрамон» инсоннинг сўзлар воситасида гавдалантирилган рамзи, нусхасидир. Чунки бадий асар ўзига хос ойнага айланиб, қаҳрамон тимсолида инсоннинг хатти-ҳаракати, кечмиш-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. В. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –592 б. –272-бет.

² Словарь иностранных слов. –8-е. изд., стереотип. –М.: «Русский язык», 1981. –624 с. с. –383.

³ Большой иллюстрированный словарь иностранных слов: 17000 слов. –М.: Русские словари: АСТ: Астрель, 2007. –957 с. –с. 592.

⁴ Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983. – 376 б. – 243-бет.

⁵ Литературный энциклопедический словарь. – М.: «Советская энциклопедия», 1978. – 752 с. – 276.





кечирмишларини акс эттириб, унинг ҳис-түйғулари, кувонч-изтиробларини аён қилади. Китоб саҳифаларидаги одамларнинг хатти-ҳаракати, кечинмалари бошқаларга, албатта, таъсир этади. Чунки бунда ўқувчи ҳаётнинг турфа хил ҳодисаларида иштирок этаётган бошқа кишиларда ўз «шахси»ни ҳис қилади. Айни ҳолат одамларнинг нафақат ҳаёт түғрисидаги, балки ўзининг феъл-атвори хусусидаги тасаввурини ҳам кенгайтириб, уларни маънан-руҳан улғайтиради. Одам эса айни ташқи омиллар таъсирида ўзини англашга, ҳис қилишга интилади. Санъат ва адабиётдаги турли шакл, рамзлар унинг ана шу эҳтиёжини қаноатлантиришга имкон беради. Кишилар шу боисдан Ҳеракл, Алпомиш, Рустам сингари афсонавий қаҳрамонларга ҳам, эртак, достон, роман, кисса, ҳикоя, ривоятлардаги ҳаёттый персонажларга қизиқиш билан қараб, уларни ўзларига яқин олишади. Чунки бу қаҳрамонларда ён-веридаги кишиларга хос хусусият, белги-аломатларни, ўхшаш жиҳатларни кўришади. Нафақат реалистик, балки эртак, достон қаҳрамонларининг ҳам одам, жонли мавжудот сифатида таассурот уйғотиши инсон тафаккурининг ташқи оламни рамзлар асосида идрок этиши натижасида пайдо бўлади. Инсоннинг онги ва ҳиссиётлари ҳодисаларнинг ўзини эмас, балки уларнинг рамзини қабул қилади. Шунинг учун қадимги эртак, достонларда девлар, парилар түғрисида сўз юритилиб, кишиларнинг ёвуз кучлар билан тўқнашуви, олишуви ва улардан устун келиши ҳикоя қилинади. Афсона, ривоятларда тоғ-тошлар ўрнидан кўчиб, дарёлар ўзанини ўзгартириб, одамлар измига бўйсунгани айтилади. Аслида эса бу каби воқеалар ҳаётда ҳеч қачон юз бермайди. Лекин одамлар шундай бўлишини истайди ва уларни хаёлан тасаввур қилади. Шу боис борлиқдаги жамики нарса-ҳодиса митти нусха – рамзларга айланиб, кишиларнинг кўнгил кўзида аксланади. Ҳар бир одам ўзининг хаёли құдрати билан саратон чоғида қаҳратон қишини, дов-даражат барг тўккан кузда баҳорни худди кўз ўнгидаги тургандай тасаввур қилади. Инсоннинг борлиқни рамзлар орқали кўра олиши ва уни хотирасида сақлаши унга бекиёс имкониятлар беради.

«Адабий қаҳрамон» – одам-инсоннинг ижодкор хаёл, тасавvuriдаги акси, инъикоси. Зевс, Прометей, Алпомиш, Манас каби афсонавий қаҳрамонлар халқ тафаккурининг «маҳсули» бўлса, Рустам ва Суҳроб Фирдавсийнинг, Хусрав ва Дилором Низомий Ганжавийнинг, Фарҳод ва Ширин Алишер Навоийнинг, князь Мишкин ва Родион Раскольников Фёдор Достоевскийнинг, Анна Каренина ва





Андрей Болконский Лев Толстойнинг, Отабек ва Кумуш Абдулла Қодирийнинг, Қобил бобо ва Туробжон Абдулла Қаҳхорнинг хаёл-тасаввурдаги инсондир. Шунинг учун бу адабий қаҳрамонларда кишиларга хос сифат, хусусиятлар гавдалантирилган. Уларнинг қувонч-ташвишлари, ўй-кечинмаси бошқаларнинг онгу тафаккури, ҳис-туйғуларига таъсир қўрсатади.

Адабий қаҳрамонлар ўзининг муайян жиҳатлари, характеристи хусусиятлари билан хаёл-тасаввурда кишиларнинг ўз ҳаётини, таниш-билишлари, кўрган, кузатган одамларини жонлантиради. Шу боисдан адабий қаҳрамонлар «образ» деб юритилади. «Образ» славянча сўз бўлиб, «чизиб ўйиб, йўниб шакл ясамок» деган маънони билдиради. «Образ» куйидагича маъноларда қўлланади: 1. Шакл, кўриниш; 2. Бирор бир нарса-ҳодиса тўғрисидаги жонли, кўргазмали, хаёлий тасаввур; 3. Адабиёт ва санъатда: ҳодисаларнинг муайян шаклга солиниб, ўзига хос бадиий гавдалантирилган умумий ифодаси; 4. Бадиий асарда: тип, характеристер. 5. Бирор бир нарса-ҳодисанинг тартиби, йўналиши; ҳаёт тарзи. 6. Бут, санам.¹

«Образ» сўзининг ушбу маъно қирралари умумлаштирилса, у нарса-ҳодисаларнинг хаёл-тасаввурда акс этган сурати эканлиги аён бўлади. Аммо санъат ва адабиёт асарлари ҳаёт ҳодисаларининг оддий инъикосидан иборат эмас. Агар эртак ёки ҳикоя одамлар ҳаётининг одатдаги баёни бўлганида эди, улар кимларнингdir бошидан кечиргандари нақли бўлиб қоларди. Шунинг учун И. Тургеневнинг «Муму», Р. Тҳакурнинг «Нур ва соялар», А. Қаҳхорнинг «Анор» ҳикоялари муайян кишиларнинг таржимаи ҳоли эмас, балки инсон қисмати чигаллиги, ҳаёт ҳамиша зиддиятларга тўла эканлиги хусусида ўйлантиради. Шу боисдан ўқувчилар ушбу ҳикоялардаги Герасим, Шошибушон, Туробжон каби қаҳрамонларга худди энг яқин кишисидай ачинади, изтиробга тушади.

Адиб, шоир учун ҳаётдаги одамлар ҳайкалтарош танлаган тошга ўхшайди. Ҳайкалтарош ғадур-будур харсанг тошни ўйиб, йўниб, унга ўз хаёл, тасаввурини сингдириб, уни ажабтовор шаклга айлантиради. Адабий қаҳрамонлар ҳам ижодкорнинг хаёл, тасаввуридан улғайиб чиқади ва бошқаларни ҳаётнинг муайян ҳодисалари ичига олиб киради. Қисмати Абдулла Қаҳхорнинг Қобил

¹ Ожегов С. И. Словарь русского языка. 70.000 слов / Под ред. Н. Ю. Шведовой. – 23-изд., испр. – М.: Рус. яз., 1990. – 917 с. – С. 433.





бобо («Ўғри»), Сотиболди («Бемор»), Унсин («Даҳшат») каби қаҳрамонларидан чигалроқ, фожеалироқ одамлар ҳаётда кўп. Аммо улар бошқаларни адиб яратган қаҳрамонлар даражасида ачинтирмайди, изтиробга солмайди, хаяжонлантирмайди.

Адабий қаҳрамонлар воқеликдан олингани боис эмас, балки ижодкорнинг хаёл-тасаввури асосида ижод қилингани туфайли ўкувчида муайян кайфият ҳосил қиласи. Китобхон ёзувчи яратган қаҳрамонларни эътибор қилишга муносиб инсон, энг яқин кишиси сифатида тасаввур қиласи ва шунинг учун уларга бефарқ бўлолмайди: ё ачинади ёки нафратланади. Чунки бу қаҳрамон унга ён-веридаги одамлардан кўра бошқачароқ кўринади. Адабий қаҳрамоннинг айни хусусияти унинг ўй-кечинмалари, кечмиш-кечирмишларининг кучайтириб, бўрттириб гавдалантирилганидан келиб чиқади. Одатдагидан бошқача кўринган ҳар қандай нарса-ҳодиса эса беихтиёр эътиборни тортади. Унда аллақандай сир бордай туюлади. Ҳайкалтарош оддий харсангга жозиба, кўрк киритгани каби адиб ҳам ҳўқизини ўғри урган чол («Ўғри»), бошқоронги хотинига анор топиб беролмаган эр («Анор»), эрки, озодлиги учун интилган ёш келинчак («Даҳшат»)нинг ахволини таъсирчан гавдалантириб, асаридаги айрим қаҳрамонларга нисбатан ҳамдардлик, хайриҳоҳлик, баъзиларига нисбатан ғазаб, нафрат хиссини уйғотади. Адабий қаҳрамонларнинг бошқаларда бундай муносабат уйғотиши уларнинг ижодкорона хаёл-тасаввур орқали «ўйиб, йўниб ясалгани»ни билдиради. Адабий асарда кишилар шунчаки гавдалантирасдан, уларнинг муайян хусусият, ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилгани боис улар «образ» деб юритилади. Чунки битта қаҳрамонда муайян замон ва маконда ўнлаб, юзлаб кишиларнинг кечмиш-кечирмишлари, характеристи хусусиятлари мужассамлашади. Шунинг учун адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов: «образ» сўзи «кесмоқ», «йўнмоқ» каби маъноларни ифодаловчи «резить» сўзидан эмас, балки «пайдо қилмоқ», «тасвиrlамоқ» маъноларини ифодаловчи «разить», «образить» сўзидан олингани ҳақиқатга яқинdir. Бу талқиннинг тўғрилиги яна шунда ҳам аён бўладики, араб тилидаги «бадеъ» сўзининг маъноси «ижод қилмоқ» кабилардан иборат экан, «образ» сўзининг ҳам «пайдо қилмоқ», «яратмоқ» эканлиги айни ҳақиқатdir. Чунки бадийликнинг моҳиятини





воқеликни образлар воситасида инъикос эттириш ташкил этади. Шу боис ҳам бадийлик – образ, образлилик демакдир»¹ дейди.

Ижодкорнинг узоқ ҳаётй кузатишлари асосида яратиладиган қахрамонда муайян замон ва макондаги кишиларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи ифодаланади. Айни чоғда ижодкор қахрамоннинг ўй-кечинмаси, мақсад, интилишларида ўзининг ҳаётга қарашлари, орзу-умидларини гавдалантиради. Адабий қахрамоннинг бу каби хусусиятлари унинг ҳаётдаги муайян одамнинг оддий бир нусхаси эмаслигини тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам Робиндренат Тҳакур «Адабиёт воқеликнинг аниқ инъикоси эмас. Фақат адабиёт эмас, санъатнинг бирорта соҳаси ҳам табиатга шунчаки тақлид эмас. Табиатда биз аниқ кўриниб турган нарсаларга ишонамиз, адабиёт билан санъатда эса аниқ-равшан бўлмаган нарсалар кўз олдимизда ҳақиқатдай намоён бўлади... Адабиёт таништирмоқчи бўлган нарсаларини бизга тайёр ҳолда, яъни барқарорликни сақлаб, ортиқча нарсаларни улоқтириб ташлаб, кичикни янада кичрайтириб, каттани янада катталаштириб, нуқсонларни тўлдириб, пўкни пишишиб тақдим қиласи. Табиатнинг холис, мўл-кўл ҳодисалари олдида ақл нимага интилса, адабиёт шуни бажо келтиради. Ақл табиат кўзгуси бўлмагани сингари адабиёт ҳам табиат кўзгуси эмас. Ақл табиат ҳодисаларини тушуниб бўладиган ҳолатга келтиради, адабиёт тушуниб бўладиган бу ҳодисаларни бадий образлар ҳолига келтиради... Ақлнинг яратган нарсалари бизнинг ўзимизга зурур, адабиётнинг яратган нарсалари эса ҳамманинг ҳузур қилиши учун зарур»¹ дейди¹.

Киши нимадандир ҳузур қилиши ёки аксинча бўлиши учун эса у аввало ўша нарсадан таъсирланиши керак. Адабий асарларда одамлар ҳаёти, уларнинг ўй-кечинмалари, дуч келган муаммолари воқеликнинг ўзидагидан бошқачароқ кўрсатилади. Шу боисдан кишиларнинг адабий асардаги кўриниши, қиёфаси хусусида сўз юритилганда «Адабиёт ва санъат воқеликни образлар воситасида акс эттирас экан, ҳар бир асарда тасвирланган нарса, предмет ёки иштирок этувчи шахслар кенг маънода образ дейилади. Аммо шунга қарамай, образ термини адабиёт ва санъатда бирмунча чегараланган маънода – инсонга нисбатан қўлланилади. Образ термини худди шу маънода адабиёт ва санъатда

¹ Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент, 2004. –128 б. –8-бет.

¹ Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 8-том. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1965. –360 б. –267-бет.





образлилик тушунчасининг энг муҳим, энг ўзак қисмини ташкил этади» дейилади².

Эпик ва драматик асарларда, лирик асарлардан фарқли ҳолда, муайян кишиларнинг ҳаёти, кечмиш-кечирмешлари түғрисида сўз юритилади ва улар «адабий қаҳрамон», «персонаж», «характер», «эпизодик қаҳрамон» деб юритилади. Адабиётдаги инсон образига нисбатан қўлланиладиган «персонаж», «қаҳрамон», «характер», «тип», «иштирокчи» кабилар маъно-мазмунга кўра, ўзаро фарқ қиласди. Аммо уларнинг барчаси ҳаётдаги одамларнинг айни нусхаси, ўхшави сифатида эмас, балки муаллифнинг мақсадига мувофиқ яратилади. Кишиларнинг бадиий асарлардаги рамзини «қаҳрамон» дейиш, бир қарашда, унчалик тўғри эмасга ўхшайди. Чунки «қаҳрамон» сўзи ижобий маънени ифодалайди. «Алпомиш» достонидаги Алпомиш, Қоражон ёки «Ўткан кунлар» романидаги Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи образларига нисбатан «қаҳрамон» сўзини bemalol қўлласа бўлади. Аммо ушбу асарларда яна шундай одамлар образи ҳам борки, уларнинг бутун хатти-харакати, қилмиш-қидирмиши ёвузлик, қаллоблик, пасткашлик, тубанликдан иборат. Уларни «қаҳрамон» эмас «қабих» дейиш айни ҳақиқат бўлади. Адабиётшуносликда азалдан эртаклардаги ялмоғизлар ҳам, достонлардаги ёвуз девлар ҳам «қаҳрамон» деб келинади. Ёки Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўгри» ҳикоясида кекса Қобил бобо ҳўқизи йўқолганида амин ва бошқа амалдорлар хузурига ёрдам сўраб боргани хусусида сўз юритилади. Амин эса «Қобил бобо рўпара бўлганда оғзини очмасдан қаттиқ кекиради, кейин бақбақасини осилтириб, чинчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига тиқиб кулади. Сўнг чинчалоғини этигининг тагига артиб: «Йўқолмасдан илгари бормиди? Ўзи қайтиб келмасмикин? Бирор олиб кетса, қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин»¹ деб кекса чолни масхара қиласди. Яна шундай асарлар борки, улардаги иштирокчилардан ҳеч бирида эзгу ният, бошқаларга наф, манфаат келтирадиган хатти-харакат кўринмайди. Н.Гоголнинг «Ревизор» комедияси, Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» қиссаси шундай асарлар сирасига киради ва улар жаҳон

² Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: «Ўқитувчи», 1983. –219-бет.

¹ Қаҳҳор А. Асарлар. Беш жилдлик. 1-жилд. Сароб: Роман. Ҳикоялар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 336 б. –292-бет.





адабиётининг мумтоз асарлари қаторида туради. Навоийнинг Фарҳод ва Ширин, Искандари, Ф.Достоевскийнинг князь Мишкини каби «Ревизор»даги Хлестаков, «Судхўрнинг ўлими»даги Исмат қори (Қори ишкамба)нинг ҳам «қаҳрамон» дейилиши, яъни бир-бирига ўт билан сувдай тескари кишилар образининг адабиётшуносликда айни бир хил термин билан юритилиши ҳали ўрганилиши, аниқлаштирилиши зарур муаммолар борлигини билдиради. Албатта, Хлестаков, Қори ишкамба ёки «Ўғри» ҳикоясидаги аминга нисбатан «қаҳрамон» сўзи киноя маъносида қўлланади. Эзгулик тарафдори бўлиб, шу йўлда интилганлар образи «қаҳрамон» дейилиши мантиқа мос келади. Лекин ёвузылик, қаллоблик, бошқаларга озор етказишни касб қилган кимсалар образига нисбатан ҳам айни термин қўлланиши ғалати туюлади. Адабиётшуносликда эртак, достонлардаги ёвуз ялмоғиз, одамхўр дев, золим қароқчи, хикоя, романлардаги амин («Ўғри»), Ҳомид, Содик, Мутал («Ўткан кунлар») кабиларга нисбатан «қаҳрамон» эмас, бошқа бир термин қўлланса, бадиий асарлардаги инсон образини таҳлил, талқин этишда муайян аниқлик юзага келади. Бу мулоҳаза, албатта, адабиётдаги инсон образини «оқ» ва «қора»га ажратиб таҳлил қилиш тӯғри эмас, деган эътиrozни туғдиради. Лекин айни масала ўйлаб кўришга, мушоҳада юритиб, мухокама қилишга арзийдиган муаммо. Бунинг учун аввало хорижий, хусусан, инглиз, француз, немис, испан, япон, хитой адабиётшунослигида бадиий асарлардаги турли характердаги инсонлар образи қандай талқин қилиниши, уларга нисбатан қанақа термин қўлланишини ўрганиш лозим. Арасту ҳам «Санъаткорлар муайян шахсларни тасвиrlайдилар, улар эса яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Негаки шахсларнинг қандайлиги шу билан белгиланади, зеро, ҳамма одамлар характерларидағи иллати ёки фазилати жиҳатидан фарқланадилар. Улар биздан яхшироқ ёки биздан ёмонроқ ёки ҳатто, биздек бўладилар»¹. Шундай экан, адабий асарлардаги турли кишилар тимсолларини ўзига хос ва мос термин билан аташ мақсадга мувофиқдир. Асар иштирокчиларини «ижобий» ва «салбий»га ажратганда ҳам «қаҳрамон» сўзи қўлланади. Шунинг учун таснифлашнинг бу усули ҳам ўзини тўла оқламайди. Чунки «салбий қаҳрамон» дейилганда ёвузылик, зўравонлик, қаллоблик, фирибгарчилик, алдамчилик, сотқинлик каби инсонликка ёт иллатлар ҳам қаҳрамонликдир, деган маъно англашилади.

¹ Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. –152 б. –9-бет.

² Литературный энциклопедический словарь. –М.: «Советская энциклопедия», 1987. – 752 с. –с.481 – 482.





Адабий асарда «қаҳрамон», «персонаж», «характер», «тип» дейиладиган образлар ўзаро бирлашиб, инсон ҳаётининг муайян манзарасини ҳосил қилиб, кишилар ўртасидаги муносабатлар мураккаблигини кўрсатади. Улар ўзининг маълум бир замон ва маконда ҳаракат қилиши, муайян қиёфа-кўриниши, ўзаро мулоқоти билан ҳаётдаги одамларнинг айни акси сифатида тасаввур уйғотади. Асар сюжетидаги айрим иштирокчилар «характер», «тип» ҳам дейилади. Аммо барча персонажлар ҳам «характер», «тип» бўла олмайди. Масалан, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи, Абдулла Қаҳхорнинг «Сароб» романидаги Раҳимжон Саидий характер даражасига кўтарилиган адабий қаҳрамон саналади. Улар «образ» деб ҳам юритилади. «Характер» мақомидаги адабий қаҳрамоннинг «образ» дейилиши унинг мавқеини пасайтирумайди. Чунки «характер» адабий қаҳрамоннинг мукаммал, тўлақонли кўринишидир. «Характер» инсоннинг адабий асардаги муайян қиёфаси ҳамда умумлашган кўринишдаги тасвиридир². Манбаларда ҳам «образ» характерга нисбатан кенг тушунча эканлиги, ҳар қандай образ характер бўла олмаслиги, лекин ҳар қандай характер образ саналиши таъкидланади².

Адабий асарлардаги инсон образида аввало муайян ғоя талқин қилинади. Чунки ижодкор ўзининг мавжуд воқеликка муносабатини адабий қаҳрамонлари орқали ифода қиласи. Шу максадда улар яшётган, ҳаракат қилаётган замон ва маконни маълум қилиб, персонажларнинг портретини чизади. Уларнинг ўзаро муносабатларига эътибор қаратиш учун мулоқотларини баён этади. Қаҳрамонларнинг таъсирчан образини гавдалантириш мақсадида табиат манзарасини чизиб, улар турган макон кўриниши, ундаги нарса-буомларни маълум қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. –152 б. –9-бет.
2. Большой иллюстрированный словарь иностранных слов: 17000 слов. –М.: Русские словари: АСТ: Астрель, 2007. –957 с. –с. 592.
3. Достоевский Ф.М. Возвращение человека. –М.: «Советская Россия», 1989. –560 с. –с. 7.

³ Проблемы теории литературы. –М.: «Наука», 1958. –354 с. – с. 125.





4. Жойс Ж. Навқирон санъаткорнинг сийрати. – «Жаҳон адабиёти» журнали, 2007 йил, 3-сон. 3–98-бетлар. – 79-бет.
5. Литературный энциклопедический словарь. – М.: «Советская энциклопедия», 1978. – 752 с. – 276.
6. Литературный энциклопедический словарь. – М.: «Советская энциклопедия», 1987. – 752 с. – с.481 – 482.
7. Навоий А. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 14-том. –Т.: “Фан”, 1998. –304 б. –113-бет.
8. Navoiy A. Hayrat ul-abror. –T.: G’afur G’ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. –392 b. –19-bet.
9. Ожегов С. И. Словарь русского языка. 70.000 слов / Под ред. Н. Ю. Шведовой. – 23-изд., испр. – М.: Рус. яз., 1990. – 917 с. – С. 433.
- 10.Проблемы теории литературы. –М.: «Наука», 1958. –354 с. – с. 125.
- 11.Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент, 2004. –128 б. –8-бет.
- 12.Словарь иностранных слов. –8-е. изд., стреотип. –М.: «Русский язык», 1981. –624 с. с. –383.
- 13.Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 8-том. –Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 360 б. –297-бет.
- 14.Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 8-том. –Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 360 б. –267-бет.
- 15.Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –672 б. – 231-бет.
- 16.Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –592 б. – 272-бет.
- 17.Ўша манба. 45-бет.
- 18.Ўша манба. Ж. II. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –672 б. –379–380-бетлар.
- 19.Ўша манба. Ж. III. –Т.: «Ўзбекистон илмий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. –688 б. –83-бет.
- 20.Фалсафа: қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004. –496 б. –165–166-бетлар.
- 21.Фитрат А. Танланган асарлар. Ж. IV. Дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. –Т.: «Маънавият», 2006. –336 б. –13-бет.
- 22.Қаҳҳор А. Асарлар. Беш жилдлик. 1-жилд. Сароб: Роман. Ҳикоялар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –336 б. –292-бет.





O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR
UNİVERSİTESİ



23. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Т.: «Чўлпон», 1992. –469 б. –195-бет.
24. Хотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983. – 376 б. – 243-бет.
25. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: «Ўқитувчи», 1983. –219-бет.



O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR
UNİVERSİTESİ